

ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ЭСТЕТИК
МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Қ.Я. Абдухамидов

Тошкент вилояти ЧДПИ «Тасвирий
санъат ва дизайн» кафедраси магистр.

Аннотация: Мақолада Президентимиз томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириши ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича илгари сурилган улуғвор ғоя - 5 та муҳим ташаббуснинг биринчиси, ёшларнинг мусиқа, адабиёт, рассомлик, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, истеъдодини юзага чиқаришдан иборат.

Калит сўзлар: Бадиий ижод, тўгарак ишлари, ижодий қобилят, эстетик тафаккур, бадиий асар.

Президентимиз томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича илгари сурилган улуғвор ғоя - 5 та муҳим ташаббус бунга мисол бўла олади. Ташаббуснинг айнан 1 си ёшларнинг мусиқа, адабиёт, рассомлик, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, истеъдодини юзага чиқаришдан иборат. Дарҳақиқат, ўқувчиларнинг эстетик маданиятини ривожлантириш бевосита тасвирий ва амалий санъат тўгараклари орқали амалга оширилади. Шунинг учун ҳам Чирчиқ давлат педагогика институтида асосий эътибор бўлажак ўқитувчиларга таълим бериш жараёни келгуси касбий фаолиятларида ижодий тўгараклар ташкил этиш, ўқувчиларнин тасвирий ва амалий санъатга қизиқтира олиш кўникмаларини ҳосил қилишга қаратилади.

- талабанинг таълим жараёнида ва ҳаётий фаолиятида олган билим, кўникма ва маҳоратларини такомиллаштириш;
- мустақил ижодий изланиш кўникмаларини ривожлантириш;
- тасвирий санъатнинг барча тур ва жанрларига қизиқишларини ошириш, ҳар хил материаллар техникаларни ўзлаштириш хоҳишларини ривожлантириш;
- олган билимларини амалда кундалик ҳаётда қўллаш, шахсиятини ва атроф борлиқ ҳақидаги фикрларини тубдан ўзгартириш;
- инсон ҳаёти табиат, санъат, кундалик турмуш билан уйғунлигини идрок этиш ҳақидаги маънавий саводхонлигини ошириш;
- миллий қадриятларни ва урф одатларни севиш, ҳурмат қилиш ҳиссини тарбиялаш;
- жамиятдаги ўз ўрнини топишда, ўз ижодий меҳнат маҳсулларининг жамиятга нечоғлик кераклигини ҳис қилиш, ўтмишдаги аждодларимиз меъросига ҳурмат назари билан қараш ва келажакка ишонч руҳида тарбиялаш;

Ижодий устахонада нимани амалга ошириш кераклигини асосан шогирднинг ўзи танлайди, устоз фақат унинг ишидаги хатоларини тузатиб, қандай тасвиirlаш воситаларидан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маслаҳатлар беради. Устоз ва шогирднинг биргаликдаги ҳаракати асосида ижодий фаолият яратилади. Шогирд тасвирий санъатнинг қайси тури ёки жанрида ишни бошлашни хоҳласа, устоз ёрдамида ўзининг фаолиятини режалаштиради: эскизлар бажаради, ишлаш учун материал танлайди, иш жойини тайёрлайди кейин ўйлаган режасини амалга оширишга киришади. Ижодий устахонадаги ҳар бир шогирд - бу ўз асарини томошибинлар ҳукмига қўйишга тайёрланаётган рассом.

Ижодий устахонада ишлашни режалаштириш тўгаракдаги, асосий эътибор ҳар бир талабанинг ҳоҳиши ва қизиқишлиари асосида ҳар бир талаба шахсий хусусиятини ҳисобга олиб тузилади. Аммо педагог нафақат талабанинг шу пайтгача ўзлаштирган билимлари, кўникма ва малакаларини ҳисобга олиши, балки ўсиш нуқтасини ҳам белгилаб бориши, келгусидаги камолотга эришиш имкониятлари, уларнинг янги тажрибаларни эгаллашларида ёрдамлашиши, янги технологиялар ва техникалар билан таништириб боришлари керак бўлади. Ижодий устахонада машғулотда қатнашаётган талабаларнинг ўзи ҳам доимо янги технологияларни излашади, янги тажрибани ўзлаштиришга, атрофдагилар билан ўртоқлашишга ҳаракат қилишади.

Бу кўргазмага тайёргарлик жараёнида маълум бўлдики, Талабаларга аниқ мақсад қўйилса, уларнинг ижодий иши натижасини кўрсатиш имконияти яратилса, талабалардаги ижод қилиш, яратишга бўлган қизиқиши ортади. Ижодий устахона шароитида бирга ишлаш баробарида устозга нисбатан меҳр ва ҳурмат туйғуларини ошганлиги яқъол сезилди. Кўргазмани ташкиллаштириш жараёнида уларнинг ижодий фаоллиги янада ошганлиги, жамоавий ҳамжиҳатлик, ташкилотчилик хислатларини намоён бўлиши, ўзининг меҳнати самарасидан қониқиши, фахр туйғуларини ўйғонланлиги кузатилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1.Х.Э. Султанов, Р.Т. Анкабаев Ёш мусаввир (методик қўлланма) Тошкент 2017

2.Тўгарак машғулотларида ўқувчиларнинг бадиий ижодий компетенцияларини ривожлантириш методикаси. Муғаллим ҳэм узлуксиз билимлендириў – 2020 yil № 2. ISSN 2181-7138

3.Tasviriy san'at to'garaklarida o'quvchilariga Zomin manzarasini chizish orqali estetik madaniyatini rivojlantirish

metodikasi Academic Research in Educational Sciences ISSN 2181-1385 VOLUME 1, ISSUE 2 OCTOBER 2020

4.Султанов Х.Э., Пак В.Ш., Кукиев Б.Б. Использование новых информационных коммуникативных технологий на уроках изобразительного искусства МОЛОДОЙ УЧЁНЫЙ научный журнал №4 2016. С-829-833;

**JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH
VOLUME-2, ISSUE-13 (26-December)**

5.The Need for Creation of a Cluster of Pedagogical Innovations in the System of Continuous Education Sultanov Khaytboy Eralievich, Marasulova Izzat Mukhamatsultonovna, Bakhriev Ilkhomjon Saidazimovich and Ankabaev Rahim Turgunovich 6587-6588.